



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

## **МАМЛАКАТИМИЗДА ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИНИ ИСТЕЙМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШДАГИ МУАММОЛАРГА КОМПЛЕКС ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

Махмудов Равшан

Ўзбекистон миллий метрология институти

Электр ва магнит катталиклари ўлчаш

бўлими бошлиғи

**Мавжуд ҳолат:** Сўнгги йилларда юртимизда ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртacha кўрсаткичидан анча юқори ҳисобланади.

Ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқаришдан бошлаб истеъмолчига етказиб беришда замонавий биллинг ахборот-коммуникация тизими татбиқ этилганлиги ва

электр ва табий газ ҳисоблагичларни ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ЭҲНАТ) CAS биллинг тизимига улаш имконияти мавжудлиги, шунингдек, фойдаланилган энергия учун ҳисоб китоб жараёнида инсон омилиниң аралашуви йўқлиги албатта истеъмолчиларни хурсанд қиласди. Бундан кўриниб турибдики ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратининг янги механизмларини жорий этиш, соҳада рақамлаштиришни янада кенг қўллаш ҳамда энергетика ресурсларидан фойдаланишда хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва соҳада самарали назоратни ташкил этишда комплекс инновацион ёндашувларни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз чекка ҳудудларида мобил алоқа сифати яхши эмаслиги сабабли, CAS дастурида уланган ҳисоблагичлар кунлик истеъмол тўғрисидаги маълумотлар узатилишида муаммолар ҳам қузатилмоқда. Ҳаммамизга



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

маълумки

мамлакатимизда

жорий

йилнинг

1 майидан электр энергияси ва газ учун тўловлар миқдори сезиларли даражада оширилди (2019 йил августидан бўён илк марта). Шунингдек, энергоресурслар истеъмоли бўйича ижтимоий норма жорий этилади.

Муаммолар: Лекин, сўнги йилларда ижтимоий тармоғиларда республикамизда ахолига электр энергия етказиб беришда тез тез узилишлар ва муаммолар кўпайиб бормаётганлигини кузатишими мумкин. Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика соҳасида тўпланиб қолган тизимли муаммолар мамлакатимизда аномал совуқ даврида табиий газ ва электр энергияси тақчиллиги юзага келиши оқибатда ахолининг жиддий ва хақли эътиrozларига сабаб бўлди.

Бунга сабаб аксарият куч трансформаторлари зўриқиши билан ишлаётганлиги яққол мисол бўла олади.

**Таклифлар:** Ҳозирги вақтда асосан гидроэлектростанциялар ишлаб чиқараётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмининг атига 10 % фоизи тўғри келмоқда. Нихоятда катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан, қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти. Ўзбекистонда йилнинг 300 кундан ортиги қуёшли бўлиб, қайта тикланувчи энергиядан (қуёш, шамол, сув) кенг фойдаланишни йўлга қўйган корхоналарга давлат томонидан индивидуал имтиёзлар ва преференциялар бериш, баъзи солиқ турларидан озод қилиш орқали энергетика тизимидағи энерго танқислигида ишлаётган трансформатор зўриқишилари олди олинади;

- Қайта тикланувчи энергия фойдалари ҳақида истеъмолчиларга мессенжерлар, телевидения, радио ижтимоий тармоқлари ёрдамида тарғиботини кенгайтириш;
- Қиши фасли кириб келиши билан Ўзбекистонда электр ва газ таъминотида узилишлар юзага келмоқда. Ҳукумат томонидан бу носозликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хусусан, электр ва газ муаммоларини тезкор ҳал қилиш учун 24 соат ишлайдиган штаблар ташкил этиш;



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

- Ҳисоблагичлар орқали юзага келадиган ўғриликларни қўлланиладиган ахборот технологияларини шифрлаш орқали ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.

**Кутилган натижа:** Энергетика ресурслардан ноқонуний ҳуқуқбузарликлар сонини кескин қисқартириш. Энергетика тизимидағи энерго танқислигига ишлаётган трансформатор зўриқишлари олди олинади; Қиши фасли кириб келиши билан Ўзбекистонда электр ва газ таъминотида узилишларни камайтириш, халқнинг розилига эришиш.

Ушбу таъриф ўзгаришларига ақилли энергия ҳисоблагичлари тайёрми?

Мавжуд ҳолат: Афсуски, бу саволга “ҳа” деб жавоб бера олмаймиз. Халқ орасида кўп тарифли функционал ақлли ҳисоблагичлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сонли “Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга асосан лойиҳа доирасида ўрнатиладиган газ ва электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарининг турларига нисбатан техник талаблар ишлаб чиқилган.

Муаммо: Ушбу техник талабга мувофиқ газ ва электр энергиясини ҳисоблагичларига ўрнатилган қувват манбаига (батарея) ишлаб бериш муддати 10 йил этиб белгиланган. Ҳозирги кундаги газ ҳисоблагичларимизда қувват манби

батареялар 1-2 йилга ҳам етмаётганлигини кўрамиз. Тасаввур қилинг, истеъмолчи (нафақаҳўр) мамлакатимизда аномал совуқ даврида табиий газдан қарздорлик учун узилди. Лекин истеъмолчи табий газ учун тўловни оширган тақдирда ҳам газ тармоғига қайта улана олмайди, сабаби газ ҳисоблагичдаги қувват манби сифатсизлиги туфайли яроқсиз ҳолатга келмоқда. Ушбу газ ҳисоблагичларни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан сифатсиз қувват манбаидан (батарея) фойдаланганлиги сабабли аҳоли ўртасида ортиқча овворагарчиликларни ва аҳоли ўртасида ижтимоий эътиrozларни келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда электр тармоқларининг ностабиллигидан келиб чиқадиган кучланиш гармоникалари ўзгариши



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

сабабли электр ҳисоблагичларидағи үрнатилған PLC модемлар носоз ҳолатга келиши күплас кузатилмоқда.

## **Таклифлар:**

Худудларда ахолига сифатлы сервис хизматларини күрсатишиңи такомиллаштириш мақсадида майший газ, сув ва электр ҳисоблагичларни таъмирлаш марказларини очиш. Ҳисоблагичларни созлиги бўйича 24/7 тизимида ишловчи Call-center марказларини очиш.

Ҳисоблагичларни ишлаб чиқарувчи корхоналар устидан давлат назоратини үрнатиши, сифатсиз маҳсулотларни (эҳтиёт қисларидан) фойдаланилган тарзда ишлаб чиқарувчи корхоналарга корхоналарга сифатсиз маҳсулотларни сотгани учун жарималар кўллаш.

**Кутилған натижা:** Аҳолининг сарсонгарчилиги олдини олиш олиш. Ҳам моддий ва маънавий зарар етазишини олди олинади.

Call-center марказларини очиш орқали истеъмолчиларнинг узогини яқин қилиш. Аҳолининг ортиқча тўловлардан озод қиласди.

Табий газ ва электр энергиясини ҳисоблагичларига қиёслашдан ўтказиш.

**Мавжуд ҳолат:** Аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, электр таъминотида фойдаланиладиган ҳисобга олиш приборларини даврий қиёслашдан ўтказиш жараёнини тартибга солиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали ариза бериш йўлга қўйилди. Бунга қадар ахоли ва тадбиркорлар бир қатор ноқулайликларга дуч келмоқда эди. Жумладан, ҳисоблагични ечиш, үрнатиши, таъмирлаш, пломбалаш ишлари жуда кўп вақт ва ортиқча харажатларни талаб этарди. Энг асосийси амалиётда мазкур жараёнлардан ундирилған маблағлар таъминотчи корхоналарнинг ҳисоб ракамларига кирим қилинмасдан қолаётган эди.

Эндилиқда, энергия манбаларини ҳисобга олиш приборларини қиёслаш билан боғлик ишларни амалга ошириш учун мурожаатларни Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинмоқда. Шунинг билан бирга мазкур қарор



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

билин майший ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш нархлари бир хиллаштирилиб, ягона тўлов миқдори белгиланди.

**Авваллари:** Республикада газ ва электр истеъмолчилари ҳисоблагичларини газ ва электр тармоғига улашдан аввал таъминотчи корхоналар томонидан ҳисоблагичларни рўйхатдан ўтказиш талаб этиларди. Бу жараёнда электр тармоқлари корхонаси томонидан электр ҳисоблагичнинг қиёлаш ҳақидаги сертификатини тақдим этиш талаб этилиб, сўнгра истеъмолчи электр тармоғига улаш талаб этиларди. Давлат метрология хизмати органларига бир вақтнинг ўзида катта миқдордаги электрон ҳисоблагичлар аҳоли томонидан қиёлашга тақдим этилиши орқали аҳолиги сувний тўсиқлар, қўйиларди, аҳолининг сарсонгарчилиги олди олинмасди.

**Муаммолар:** Электр ўлчаш воситаларини ўз вақтида қиёслашдан ўтказмаслик натижасида Ўзбекистон Республикасининг электр тармоқлари тизимида йўқолишилар, исрофлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ҳисоблагичларнинг ўз вақтида текширилмаслиги ҳисоб-китобларда хатоликларни юзага келтириб чиқаради ва биллинг тизимиға нотўғри маълумот узатилишига олиб келади.

## **Таклифлар:**

Таъминотчи корхоналар билан биргаликда электр ўлчаш воситаларини ўз вақтида даврий қиёслашдан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш ва ЭҲНАТ CAS тизимиға қиёлаш бўлимини қўшиш;

Ҳар бир вилоят кесимида маҳсус наъмунавий ўлчаш воситаси билан жихозланган кўчма, қиёлаш мобил лаборатория ташкил этиш орқали ҳисоблагичларни ечмасдан қиёслашдан ўтказишни ташкил этиш;

Аҳоли ўртасида истеъмолчилик маъданиятини шакллантириш мақсадида мессенжерлар, телевидения, радио ижтимоий тармоқлари ёрдамида тарғиботини кенгайтириш.

Кутилаётган натижа:

Давлатимизни ва аҳолини сальбий ўлчашлар натижасидан келадиган моддий зарар етазилиши олди олинади;

Истеъмолчилар ўзларига ўрнатилган ҳисоблагичларининг тўғри ҳисоблаётганига амин бўлади;



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

Махсус наъмунавий ўлчаш воситаси билан жихозланган қўчма, қиёслаш мобил лаборатория ташкил этиш орқали ҳисоблагичларни ечмасдан қиёслашдан ўтказиш мумкин. Бу эса ўз навбатида нафақаҳўрларга, ногиронларга ва ахолининг барча қатламига катта қулайликлар яратиб қолмай уларни навбатларда туришдан ҳамда ортиқча оворагарчиликлардан ҳалос қиласди.

Таҳлил: Метрология текширувани автоматлаштириш, ҳисоблагичларнинг ҳолатини масофадан қузатиш тизимини доимий мониторинг қилиб бориши зарур.

Хулоса

Энергетика ресурсларидан фойдаланишдаги ҳукуқбузарликлар асосан назорат тизими заифлиги, техник таъминотнинг етарлича ривожланмагани ва ахолининг ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги билан боғлиқ. Юқорида келтирилган мисоллар асосида қуйидаги чора-тадбирлар тавсия этилади:

Ақлли ҳисоблагичлар ва блокчейн технологиясини кенг жорий этиш;

Назорат тизимларини автоматлаштириш ва мониторинг жараёнларини кучайтириш;

Тармоқларни модернизация қилиш ва ресурсларни тўғри тақсимлаш тизимини такомиллаштириш;

Аҳоли ўртасида энергетика ресурсларидан фойдаланиш маданиятини ошириш бўйича ташвиқот ишларини кучайтириш;

Бу чоралар нафақат ҳукуқбузарликларни камайтириш, балки энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қиласди.

Ҳукуқбузарликлар шакллари ва қўринишлари:

Энергетика ресурсларидан фойдаланишдаги ҳукуқбузарликлар турли шаклларда намоён бўлади. Улар асосан қонун бузилишининг миқёсига ва амалга ошириш усулига қараб таснифланади. Қуйида ҳукуқбузарликларнинг асосий шакллари ва қўринишлари келтирилган:

Энергетика тизимига яширинча ток трансфортори орқали (перемычка) уланиш. Бунда истеъмолчи 100/5А ток трансформатори орқали уланган бўлса, ток трансформаторларига қўшимча (перемичка) сим улаш орқали ҳисоблагичга маълумот юбормасдан электр қувватини истеъмол қилиш



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

мумкин. Текширувчи келганда ўрнатилган симни сугуриб олинади. Бунда ҳисоблагич мухрларига зарар етказилмайди.

Бундай ҳолатлар кўпроқ йирик ишлаб чиқариш цехлари ёки кичик бизнес субъектларида кузатилади.

Салбий оқибатлари:

Энергетика тизимига ва Давлат иқтисодиётига зарар.

Уланиш носозлиги сабабли инсонларнинг хавфсизлигига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳисоблагичларга қўшимча механизмлар (қаршиликлар) ни ўрнатиш ёки маълумотларни ҳисоблагич миясига кириб сохталаштириш.

Таҳлил: кўп ҳолатларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон миллий метрология институтига электрон ҳисоблагичларни эксперт қиёлашдан ўтказиш учун топширилади. Яқинда ноябр ойида бўлган ҳолат: Яшнобод туманида жойлашган “К.И.” МЧЖ масъуллари электр ҳисоблагичга ташқи таъсир кўрсатиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдалангандиги аниқланган.

Таҳлиллар: Мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларги билан биргаликда ЎзММИ га эксперт қиёслашдан ўтказиш учун юборилди. Ушбу ҳисоблагичга ташқи таъсир ўтказилганлиги маълум бўлди, ҳисоблагичнинг ичи очиб кўрилганда, ички механизмларига (плата)га қўшимча қаршилик ўрнатилганлиги маълум бўлди.

**Натижада:** Ушбу қоидабузарлик натижасида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра электр таъминоти корхонасига 7 млрд 528 млн сўмлик зарар етказгани маълум бўлди ва истеъмолчига қайта ҳисоб китоб қилиб берилди.

Яна бир ходиса аввалроқ содир этилганди, Жizzах вилоятида 1,1 млрд сўмлик электр энергиясини ўғирлаган цех аниқланганди. Шароф Рашидов туманида фуқаро С.Ў. га тегишли дарвоза ясаш цехида электр қурилмаларини (куввати 16,3 kW) шартномасиз, ҳисоблагичдан ташқари электр тармоғига улаб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани очиқланган. Бу ҳолатда ҳам ҳисоблагичларни ЎзММИ га эксперт қиёслашдан ўтказиш учун тақдим этилган.



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

---

(ЭХНАТ) CAS биллинг тизимининг қулайликлари нимада?

Мавжуд ҳолат: ЭХНАТ CAS тизими олдиндан тўлов принципида ишлайди. Авваллари тизимдаги муаммолар пул вақтида йиғилмаслигига ҳам бориб тақалган, албатта. Қандай қилиб? Масалан, айни пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 80 фоиздан ортиғи табий газ ҳиссасига тўғри келади. Газни эса “Ўзбекнефтгаз” АЖси қазиб чиқаради. Агар, биз истеъмолчилардан тўловларни вақтида ундира олмасак, тақсимловчи, яъни Миллий электр тармоқларига бера олмаймиз. У, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи — иссиқлик электр станцияларига, улар эса газчиларга ҳақ тўлолмайди. Демоқчиманки, жараён бир бирига чамбарчас боғлиқ. Шу боис олдин бу жараён учун алоҳида комиссия тузиларди ва комиссия аъзолари ҳудудларда юради. Умуман, электр энергиясига алоқадор бўлмаган касб эгалари ҳам пул йиғишга жалб қилинарди. Лекин бу усул натижа бермади. Пировардида, 2018 йилнинг сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамаси, октябрь ойида эса Президентимиз томонидан электр энергиясини ҳисобга олиш ва автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни жадаллаштириш бўйича қарорлар қабул қилинди. Шундан сўнг, ЭХНАТ (Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими)га мос келувчи ҳисоблагичларни ўрнатиш ишларига жиддий киришилди.

Электрон ҳисоблагичлар Жанубий Кореяning “KT Corporation” компанияси ҳамда “Электрон ҳисоблагич” ҚҚ ва “Тошэлектраппарат” МЧЖлар томонидан етказиб берилимоқда. Шулардан бири — “Электрон ҳисоблагич” корхонаси 18 йиллик фаолияти давомида мамлакатимизнинг электр тармоқлари корхоналарига 4 млн.га яқин 1 фазали ва 200 мингдан ортиқ 3 фазали ҳисоблагичларни етказиб берган. Ҳозирги кунда корхонада икки турдаги EX18 1 фазали ва EX518 турдаги 3 фазали ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилмоқда.

**Муаммолар:** Бугунги кунда ҳолатига республика бўйича 99 фоиз истеъмолчиларга ушбу тизим талабларига мос келувчи ҳисоблагичлар ўрнатилиб, ушбу ҳисоблагич ўрнатилган истеъмолчиларнинг қарийб 94 фоизи биллинг тизимига уланган.



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

---

Айтиш жоизки, ЭХНАТ тизимини жорий этишдан асосий мақсад истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шаффофликни таъминлаш, ҳисоб китоб жараёнидан инсон омилини йўқ қилиш, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисобкитобларга аниқлик киритиш, шу билан бирга, истеъмолчиларининг фойдаланган электр энергияси учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш, электр энергиясини тақсимлашда ҳар бир истеъмолчи ва трансформатор пункти кесимида керакли маълумотларни олиш ва таҳлил қилиб бориш, шу билан бирга, ушбу олинган маълумотлар асосида модернизация ишларини амалга ошириб бориш ҳисобланади.

Худудлардаги ўрнатилган ҳисоблагичларга ўрнатилган сим карталарда интернет алоқасини ностабиллиги сабабли умуман қўрсаткичларни биллинг тизимиға ахборот юборишини таъминлаш ва уларни доимий мониторинг қилиб бориш.

**Кутилган натижа:** Бундан ташқари, ушбу тизим орқали истеъмолчиларнинг ҳисоблагичларига ташқаридан аралашувларини, ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олди олинади. Истеъмолчилар ўртасида дебитор қарздорлик йўқолади.

Ёқилғи-энергия таъминоти тизимидағи глобал умумий муаммолар нимада? Ёқилғи-энергия таъминоти тизимида энергия ресурсларини истеъмолчиларга етказиб беришда бир қатор ечимини топмаган муаммолар мавжуд, жумладан; Муаммолар:

-энергия ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи корхоналар ва назорат идоралари ўртасида тизимли ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг ахборот ресурслари ўзаро тўлиқ интеграция қилинмаганлиги ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермаяпти;

-ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар берганлик учун рағбатлантириш тизимининг йўқлиги, ушбу йўналишда жамоатчилик назорати етарлича олиб борилмаслигига сабаб бўлмоқда;

-ҳозирги кунда ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратининг кучайтириш зарурияти туғилди, жумладан ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, бу борада давлат назоратини кучайтириш орқали қонун талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик янада кучайтириш;

-ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш (қазиб олиш), узатиш (ташиш), сақлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларни миқдор жиҳатидан сақлаш жараёнига “рақамли энергоназорат” тизимини тўлиқ жорий этиш;

-ёқилғи-энергетика соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг, дастурлар ҳамда лойиҳаларда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, соҳада хукуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

-ёқилғи-энергетика ресурсларининг сарфланишини, сифатини доимий мониторинг йўли билан ўрганиб бориш, қурилмаларнинг яроқлилик ҳолатини текшириш;

-ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланишнинг белгиланган талабларига қатъий риоя қилиниши устидан кунлик назорат ўрнатиш.

Энерго танқислигини олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

Хулоса Илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш пировард мақсаддир.

Ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари самарадорлиги оширилади ва ўша ерда ривожланиш бўлади.

Илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш, уларни маҳаллий шароитга мослаштириш орқали Ўзбекистонда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва хуқуқбузарликларни камайтириш имкониятини яратади. Энг асосийси, инновацион технологияларни жорий этиш,



# E CONF SERIES



**International Educators Conference**

**Hosted online from Toronto, Canada**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

7<sup>th</sup> January, 2025

қонунчиликни қучайтириш ва аҳоли ўртасида саводхонликни ошириш чоралари самарали бўлади. Бунга албатта шарафли касб эгалари бўлмиш энергетикларимизнинг ўз касбига нисбан фидоийликлари талаб этилади.